

# 1-мавзу: Мантиқнинг тадқиқот объекти, предмети ва вазифалари

---

- Режа:
- 1) Тафаккурнинг мантиқий шакллари ва қонунлари.
- 2) Мантиқ фанининг предмети.
- 3) Мантиқ илмининг назарий ва амалий аҳамияти.

# Мантиқ фанининг баҳс мавзуси ва вазифалари.



**Мантиқ фанининг ўрганиш  
объекти тафаккур  
ҳисобланади. Мазкур фан  
тафаккур шакллари,  
қонунлари ва усуллари  
тўғрисида баҳс юритади**

**1-масала: Тафаккурнинг мантиқий шакллари ва қонунларини ўрганишда – мантиқ талабаларни тўғри фикрлашнинг қонун-қоидалари ва мантиқий шакллари билан таништириш асосида уларни мустақилд фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялашга ёрдам беришга эътибор қаратилади.**

**Логика сўзи- грекча логос сўзидан олинган бўлиб, сўз, тушунча, фикр, қонуният каби маъноларга эга. Осиё халқларида логика «мантиқ» сўзи билан юритилади. Логика фикр юритишнинг қонун қоидалари, усуллари, шакллари ҳақидаги фан.**

**Логика сўзи ҳозирга вақтда кўп маъноларда қўлланилади. Анъанавий жиҳатдан олиб қараганда логика тушунчасининг уч томони бор: биринчиси - онтологик томон - у объектив дунё ҳодисалари ўртасидаги ўзаро зарурий алоқани қайд этади ва нарсалар логикаси деб аталади; иккинчиси- гносеологик томони, яъни билимлар логикаси у тушунчалар ўртасидаги зарурий алоқани текширади ва билим логикаси деб аталади; учинчиси эса соф логик томони бўлиб, исботлаш ва рад этиш логикасини ташкил этади. Логиканинг дастлабки икки томони фалсафа ва диалектик логикага мансубдир, учинчи томони формал логикани ташкил этади. Биз ижтимоий тараққиёт мантиқига асосланиб жамият ўз - ўзидан ривожланувчи системадир деган хулосага келамиз. Албатта, бунда сўз ҳаёт тараққиёти қонунларининг ички зарурияти, яъни логика ҳақида боради.**

«Мантиқ»  
тушунчаси

Арабча сўз бўлиб, «сўз, фикр»  
маъноларини англатади.  
Юнонча *logika* сўзига мувофиқ  
келади

,  
мазкур атаманинг дастлабки  
маъносини

*доноликка муҳаббат*  
деб талқин қилиш мумкин.

**Агар сўз бирор одамнинг нутқидаги мантиқнинг кучи ёки аксинча, унинг муҳокамасида мантиқ йўқлиги ҳақида борадиган бўлса, у вақтда сўз ички зарурий қонуниятли боғланиш, борлиқдаги нарсалар ва ҳодисалар ҳақида эмас, балки бизнинг фикримиз буюмлар ҳақидаги муҳокама тўғрисида боради.**

**Фикримиз боғланиши ва тараққиётидаги ички зарурий қонуният инсон иродаси, унинг пинхон ҳолати ва бошқаларга муҳтож бўлмаган қонуниятдир. Бу қонуниятлар моддий оламдаги нарсалар ва улар ўртасидаги боғланиш ҳамда муносабат характериға боғлиқ ва улар инсон тафаккури мазмунини ташкил этади. Шунинг учун ҳам тафаккур логикаси мазмунини нарсалар мантиқи ташкил этади. Демак, тафаккур логикаси нарсалар ёки мантиқ инъикосидир.**


**Биз тафаккуримиздаги муҳокама ёрдамида бир ҳукмдан иккинчи ҳукмни чиқариб, фикрда акс эттирадиган буюмлар ва улар муносабатини узвий боғлаймиз. Чунки ҳаётимиздаги нарса ва ҳодисалар бизнинг муҳокамамизда ўзаро алоқадорлиғича ўз ифодасини топади. Масалан, ҳамма вақт чигит баҳорда экилиб, пахта кузда терилади, деб муҳокама қилсак, бундай муҳокаманинг мантиқий бўлишининг асосий сабаби шундаки, биз ҳақиқатдаги боғланиш қандай бўлса, унинг ўзини шундай ифодалаймиз. Тафаккур кўп қиррали, мураккаб, шу билан бирга бир бутунни ташкил этадиган ақлий ҳолатдир. Демак, мантиқ деганда биз инсонларнинг кундалик фаолиятида, муносабатларида, яъни амалда намоён бўлиб турувчи тўғри, тартибли, аниқ, асосли, яъни мантиқий фикр юритишини тушунамиз.**

**Мантиқ**

Диалектик  
мантиқ

Математик  
мантиқ

Формал  
мантиқ



Шу маънода, логика объектив оламнинг ривожланиши ва ўзгаришининг инсон тафаккуридаги инъикос қонунлари ва шакллари ҳақидаги фандир.

Демак, унинг предмети тафаккурнинг шакл ва қонунларини ўрганишдан иборат. Тафаккурнинг уч хил: тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш шакллари мавжуд.

~~1. Тушунча деб буюм ва ҳодисалар хусусиятларининг умумий ва муҳим белгиларининг яхлит ҳолда ифодаланишига айтилади.~~ Масалан «одам» тушунчасини олайлик. Унинг биринчи хусусияти - меҳнат қуролларини, воситаларини тайёрлаш, иккинчи хусусияти - ижтимоий ҳаёт маҳсули эканлиги, учинчи хусусияти онгли мавжудод бўлиши. Демак, тушунча одам тафаккуридаги инъикос этиш шаклларида бири, унинг ёрдамида ҳодисаларнинг, жараёнларнинг моҳияти билиб олинади, уларнинг муҳим томонлари ва билимлари умумлаштирилади.

2. Ҳукм эса буюм ва ҳодисаларнинг белгилари тўғрисида дастлабки ёки инкор этиб айтилган фикрдир. Масалан, фуқароларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш ҳозирги кун талаби. «Инсон ижтимоий мавжудот».

Ҳукм тушунчалардан ташкил топади ва у ҳодисалар ўртасидаги боғланишларнинг онгимиздаги инъикоси, яъни ўз шаклига кўра ҳукм одатда икки тушунчанинг боғланишидан иборатдир.

3. Хулоса чиқариш тафаккурнинг асосий мантиқий шаклидир. Хулоса чиқариш муҳокаманинг шундай жараёниги, унда бир ва ундан ортиқ янги ҳукм келтириб чиқарилади. Хулоса чиқаришга таянч манба бўладиган ҳукмлар мантиқий асос дейилади. Улардан мантиқан келиб чиқадиган янги ҳукмга хулоса дейилади. Билиш жараёнида тил муҳим аҳамият касб этади..

**Бинобарин, инсон моддий мавжудод сифатида буюмга хос шаклда мавжуддир Фикр тил шаклига киргандаги хиссий қабулланадиган буюмлар белгилар системаси билан ифодалангандагина у билан иш кўриш мумкин. Тил фикр алмашиш воситаси, у воқелик билан тафаккурни боғлайди. Билим оламдаги у ёки бу ҳодиса, жараён ҳақида ахборот беради.**

**Шуни айтиш керакки, билимларимизнинг ҳаммаси ҳам ҳақиқат бўлавермайди. Масалан, эрталаб қуёш жуда яқиндан, тепалик ортидан чиқиб келаётгандек бўлиб кўринади. Аслида бундай эмас, бунда нарса, ҳодисаларнинг ҳақиқий муносабатини ва хислатларини тўғри акс эттирмайди. Билимларининг ҳақиқатлиги инсоннинг амалий фаолиятида тажрибасида аниқланади. Инсон амалиёти - билиш асоси ва ҳақиқат мезонидир. Амалиёт бу даставвал, инсоннинг меҳнат фаолиятидир. Меҳнат эса саноатда, қишлоқ хўжалигида, маданиятда, илмда турли шаклларда намоён бўлади. Тафаккур қонунлари фикр юритишнинг барча шаклларида содир бўладиган барча ички, зарурий боғланишларни акс эттирувчи энг умумий қонунлардир. Логикада тафаккурнинг тўртта қонуни ўрганилади. Улар айният, зиддият, учинчиси истисно ҳамда етарли асос қонунларидир. Бу қонунлар муҳокама юритиш жараёнида фикрларнинг аниқ, изчил, асосли бўлишини таъминлайди ва фикрлар ҳосил қилишдан сақлайди.**

**Биринчи масала юзасидан талабаларга билимларини чуқурлаштириш учун Президент И.Каримовнинг асарлари, нутқлари, суҳбатлари билан танишишни тавсия этамиз.**

2-чи масалани ўрганишга киришганда талабалар биринчи навбатда мантиқ фанининг предмети, асосий тушунчаларини аниқ эътироф этиб, сўнг уларнинг мазмун-моҳиятини билишга киришишлари лозим.

## 2. ФОРМАЛ МАНТИҚНИНГ ПРЕДМЕТИ

Кенг маънода мантиқни тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фан, деб аташ мумкин. Ҳозирги пайтда унинг нормал мантиқ, диалектик мантиқ ва математик мантиқ каби йўналишлари фарқ қилинади. Формал мантиқ тафаккурнинг структурасини фикрнинг конкрет мазмуни ва тараққиётдан четлашган ҳолда, нисбатан мустақил равишда олиб ўрганади. Унинг диққат марказида муҳокамани тўғри қуриш билан боғлиқ қоидалар ва мантиқий амаллар ётади.

Формал мантиққа тўғри тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фалсафий фан, деб таъриф бериш мумкин. Диалектик мантиқ, формал мантиқдан фарқли ўлароқ, тафаккурни унинг мазмуни ва шакли биргалигида ҳамда тараққиётида олиб ўрганади. Математик мантиқ эса тафаккурни математик методлар ёрдамида тадқиқ этади. У ҳозирги замон математикасининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, тафаккурни мантиқий ҳисоблаш деб аталадиган юқори даражада абстрактлашган ва формаллашган системада таҳлил қилади.

Формал мантиқ қонунлари (ёки тафаккур қонунлари) дейилганда фикрлашга хос муҳим, зарурий боғланишлар тушунилади. Тафаккур қонунларига амал қилиш тўғри, тушунарли, аниқ, изчил, зиддиятсиз, асосланган фикр юритишга имкон беради.

# Мантиқ илмининг ривожланиш босқичлари

Қадимги дунёда мантиқий қарашлар  
ривожи (мил ав III-I минг йилликлар)

Ўрта асрларда мантиқ илми тараққиёти  
(милодий аср бошларидан XV асргача)

Янги давр Ғарбий Европасида  
мантиқий илмлар ривожи (XV-XIX  
асрлар)

*Ҳозирги кунда мантиқ илми  
тараққиёти*


**Фикр  
аниқлиги**

**Фикрнинг  
асослилиги**

**Тўғри  
фикрлашнинг  
асосий  
белгилари**

**Фикрнинг  
зиддиятсиз  
лиги**

**Фикр  
изчиллиги**



**Биз ўрганадиган фан формал мантиқ бўлиб, у ҳозирги пайтда ўзининг махсус формаллашган тилига, тўғри муҳокама юритиш учун зарур бўлган самарали мантиқий методлари ва усулларига, концептуал воситаларига эга. У тафаккурни ўрганувчи бошқа фанлар, хусусан, фалсафа, психология, физиология билан ҳамкорлик қилади ҳамда илмий билимлар системасида ўзининг муносиб ўрнига эга. Айниқса, унинг билиш методи сифатидаги аҳамияти катта.**

**Логиканинг фан сифатида шаклланиши қадимги грек файласуфи Аристотель номи билан боғлиқ. Аристотелнинг «Органон» номли асари мантиққа оид 6 асарини ўз ичига олиб, уларда тушунча ва ҳукм, силлогоистик хулоса чиқариш ва исботлаш, тафаккур қонунлари чуқур таҳлил қилинган. Улар кейинчалик формал логика деб номланган илм соҳасининг асосини ташкил этган. Аристотель таълимоти кейинчалик бир қанча йўналишларда диалектик логика, формал логика сифатида ривожлантирилади. Айниқса инглиз файласуфлари Ф.Бэкон (1561-1626) ва Д.С.Миллнинг (1806-1873) индукция назарияси, француз файласуфи Р.Декартнинг (1596-1650) дедукцияга оид таълимоти, немис мутафаккири Г.В.Лейбницнинг тафаккур масалаларини математик метод билан ечиш ҳақидаги ғоялари ва шу кабилар логика илмининг турли тармоқларининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнайди.**

Немис классик фалсафасининг асосчиларидан бири И.Кант (1724-1804) тафаккур тузилиши изчил формалистик талқин қилиш билан биринчи марта формал логиканинг предметини ва қўллаш соҳасини қаътий чегаралаб берди. Натижада фалсафа олдида тафаккур диалектикасини ўрганувчи янги логика яратиш вазифаси пайдо бўлди. Диалектик логикани системали тарзда объектив идеалистик асосда Гегель ишлаб чиқди ва уни мутлоқ руҳнинг умумий тараққиёти ҳақидаги таълимот деб атади.

Логика фанини ривожлантиришда Ўрта Осиё мутафаккирларидан Форобий, Беруний, Ибн Сино каби қомусий олимлар катта ҳисса қўшганлар. Форобий ўзининг «Фалсафанинг келиб чиқиши» рисоласида логика фани ривожланишининг асосий босқичлари ва унинг араб мамлакатларига ўтиш тарихини илмий асосда изчил тадқиқ этиб берди. Форобий фикрича, логика бу тўғри фикрни амалга ошириш, ҳақиқатни қўлга киритиш, тўғри фикр юритиш санъатидир. У фикрда хатоликларга йўл қўймаслигини таъминлайди. «Логика тўғрисидаги рисолага муқаддима» асарида Форобий логикага шундай таъриф беради: «Бу шундай бир санъатки, у ҳар доим одам нотикликда адашиб қоладиган бўлса, тўғри фикрларга олиб келувчи ва ақл ёрдамида бирор бир хулоса қилинадиган бўлса, хатолардан асровчи нарсаларни ўз ичига олади». Демак, логика фикрнинг тўғри бўлишини таъминлаш учун хизмат қилади.

Форобий тил хақида гапириб, у миллий характерга эга, логика қоидалари эса умуминсоний характерга эга эканлигини алоҳида таъкидлайди. Форобий фикрича, силлогизм (хулоса чиқариш ёки ~~Аристотель ифодалаган дедукциянинг мантиқий системаси~~) ва исботлаш усули энг тўғри, ҳақиқатга олиб борувчи усул, илм-фан, фалсафа уларга асосланиши лозим.

Форобий асосий мантиқий шакллар - тушунча ҳукм ва хулоса чиқариш, дедукция хақида фикр юритади. Булар Форобий логикасининг муҳим қисмини ташкил этади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Форобий фикрларнинг асосий қоидалари айнанлик, ҳукмнинг ўзаро зид бўлмаслиги, ҳар қандай хулосанинг асосланганлиги, изчиллиги каби муҳим логик масалаларни ҳар томонлама таҳлил қилиб берган. Ибн Сино Форобий ишини давом эттирди. Ибн Сино «Ишорат ва танбикот», «Ал-нажот», «Донишнома» асарларида мантиқ илмини барча илмларнинг муқаддимаси, уларни эгаллашнинг зарур шarti ҳамда фалсафий билимларнинг ажралмас қисми сифатида талқин қилди. Демак, унинг фикрича, мантиқ шундай бир қуролки, унинг талабларига амал қилиш ёрдамида инсон тафаккури хато ва ёлғондан сақлаб қолинади. Логика ҳақиқатни билиш тўғрисидаги маълум билимдан номаълум билимга ўтишнинг қоидалари, шакллари, усуллари ҳақидаги фан сифатида объектив оламни билиш учун хизмаг қилади.

**Ибн Сино логикасида тушунча, ҳукмлар, хулоса чиқариш, уларнинг турлари, тузилиши, дедукция масалалари ҳар томонлама таҳлил қилинган у логикада математик тушунчаларни, белгиларни қўллашга ҳаракат қилди ва логика фанини янги босқичга кўтарди.**

**Абу Райҳон Беруний (973-1048 й.й.) мантиққа оид асарлар ёзмаган бўлса ҳам, унинг қонун-қоидаларидан, исботлаш усулларида илмий-амалий фаолиятида кенг фойдаланган. Берунийнинг буюк хикматларидан бири табиат ва жамиятни билишнинг илмий методини ишлаб чиққанлигидир. Беруний илмий методининг асосий принциплари «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида кўрсатиб ўтилган.**

**Булар қуйидагилардан иборат:**

- ақлни бекорчи фикрлардан тозалаш;**
- тажрибага асосланиш;**
- билишни, аввало, предметни ташкил этувчи элементлардан бошланади;**
- ҳиссий билишга асосланган дедукциядан фойдаланиш;**
- мантиқий фикрлаш: таҳлил қилиш ва умумлаштириш;**
- кузатиш, таққослаш, қиёслаш орқали ҳақиқатни аниқлаш;**
- маълум нарсадан номаълум бўлганига, яқиндагисидан узоқдагисига қараб фикр юритиш;**
- узоқ ўтмишни билиш учун предметнинг, ҳодисанинг тарихини ва у ҳақда бошқаларнинг берган маълумотларини ўрганиш.**

**Айтиш мумкинки, Беруний Р.Декарт ва Ф.Бэконлардан аввалроқ илмий билиш методининг зарурлигини таъкидлаган ва унинг асосий қоидаларини, принципларини ишлаб чиққан. Берунийнинг бу масалага оид фикрлари ғарб файласуфлариникига нисбатан кенг қамровлилиги билан ажралиб туради.**

**Мантиқ илмининг кейинги даврлардаги ривожини Бахманёр (1065 й.да туғилган), Ибн Рушд (1126-1198 й.й.), Насриддин Тафтазоний (1322-1390 й.й.), Миршариф Журдоний (1340-1413 й.й.) ва бошқаларнинг номи билан боғлиқ.**

**XIX асрнинг ўрталарига келиб мантиқ илмида жиддий ўзгаришлар содир бўлади. У Аристотель мантиқий тизимига асосланган анъанавий формал мантиқдан тубдан фарқ қиладиган, математик методлардан кенг фойдаланадиган символик мантиқ (ёки математик мантиқ)нинг шаклланиши билан боғлиқ. Унинг негизида Лейбниц илгари сурган муҳокамаларга ҳисоблаш тусини беришнинг мумкинлиги ва унинг самардорлиги ҳақидаги ғоя ётади. XIX асрнинг ўрталари – XX асрнинг бошларида Ж.Бул, А.М.ДеМорган, Ч.Пирс, Г.Фреге ва бошқа таниқли олимлар бу ғояни амалга оширишда ўз ҳиссаларини қўшдилар. XX асрнинг бошига келиб символик мантиқ мантиққа оид илмлар доирасида мустақил фан сифатида шаклланди. Символик мантиқ бўйича дастлабки уч жилдлик фундаментал асар «Principia mathematica» Б.Рассел ва А.Уайтхедлар томонидан яратилди ва у 1910-1913 йилларда нашр этилди.**

Бу асарда анъанавий мантиқнинг баъзи муаммолари ҳамда унинг доирасида қўйиб бўлмайдиган масалалар янгича ёндашиш асосида, символик мантиқ воситалари ёрдамида таҳлил этилган.

Шунингдек, XX асрда ноанъанавий мантиқнинг турли хил йўналишлари, хусусан, кўп қийматли мантиқий тизимлар (Лукасевич, Гейтинг, Рейхенбахтларнинг уч қийматли мантиқий тизимлари, Постнинг n-қийматли мантиқий тизими ва шу қабилар), конструктив тантиқлар (А.Н.Колмогоров, А.А.Марков вариантлари) ва бошқа мантиқий назариялар вужудга келди ва ривожланди. XX асрда мантиқ илмининг маълум йўналишлари ривожига Витгенштейн, К.Поппер, Е.К.Войишвилло, В.А.Смирнов, Хинтикки қабилар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Логика физика, химия, биология, социология ҳамда психология фанлари билан боғлиқ. Масалан, психология инсоннинг психик тараққиёти қонунларини ўрганади. Маълумки, формал логика фақат тафаккурнинг шакл қонунларини ўрганади, психология эса инсоннинг психик фаолиятини, яъни сезги, идрок, тасаввур, ирода, темперамент ва бошқа психик жиҳатларни ҳамда фикрлар жараёнини текширади. Аммо, логика психология билан яқин муносабатда бўлиш билан инсон тафаккури хислатларини турли мақсад нуқтаи-назари билан текшириш ва маълум хулоса чиқаришга эришиш учун курашув йўллари билан психологиядан фарқ қилади. Лекин, логика психология фанининг ютуқларидан фойдаланди, уларга асосланди. Демак, логика фан сифатида ҳукм ва тушунчалар шаклланиши, анализ ва синтез, чекланиш ва умумлаштириш, исбот этиш ва инкор этиш каби жараёнларни ўрганади.

У реалликни тўғри акс эттиришда хулосани қандай шакллантиришни ўргатади.

Логика фанига тил илми (грамматика) яқин туради. Улар фойдаланадиган тушунчалар системаси, қоидалари, принциплари ўзича бўлсада, тил ва тафаккурнинг узвий боғлиқлиги бу фанлар муносабатида ҳам намоён бўлади.

Хусусан, тушунчалар ва ҳукмлар ифодаланиш тузулишини аниқлаш масалаларида тил илми муҳим ўрин эгаллайди. Шунингдек, тил илмининг айрим қисмларини ўрганиш учун ҳам логикани билиш лозим. Демак, логика ва тил илмининг ўзаро боғлиқ, улар бир-бирига ёрдам беради, бир-бирини тўлдиради, лекин ўз предмети ва вазифаларига кўра фарқ қилади.

Тафаккур ва тилни физиология фани ҳам ўрганади. Лекин бу фан уларнинг моддий асосини, бош миёда содир бўладиган жараёнларни тадқиқ қилади.

Шундай қилиб, логика фанини билиш муҳим аҳамиятга эга:

1. Логикани яхши билиш турли илмий учрашувлар, дискуссиялар, муҳокамаларда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Қишлоқ хўжалиги мутахассиси сифатида сиз ҳам логиканинг мантиқий қонун-қоидаларини тўғри тушуниш, ўз фикрингизни далилий қилиб баён этиш имкониятини туғдиради.

2. Логика фалсафанинг таркибий қисми бўлиб, кишиларни мавҳум фикрлашга, умумий тушунчалар билан фикр юритишга ўргатади. Бу жиҳатдан логика математика фанига яқиндир.

3. Логикани билиш айниқса илм-фан билан, жумладан қишлоқ хўжалиги соҳасида шуғулланиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, кўпайиб бораётган илмий ахборотларни тартибга солиш, илмий масалаларнинг тузилишини тез билиб олиш учун имконият яратади.

### **3. МАНТИҚНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганиш, улардан онгли равишда фойдаланиш фикрлаш маданиятини ўстиради, хусусан, фикрни тўғри қуриш малакасини ривожлантиради; баҳс юритишда ўзининг ва бошқаларнинг фикрига танқидий муносабатда бўлишига, суҳбатдошининг мулоҳазаларидаги хатоларни очиб ташлашга ёрдам беради.**

**Муҳокаmani тўғри қуришга, формал зиддиятлар, хатоларга йўл қўймасликка эришиш, айтиш мумкинки, ўзига хос санъат – мантиқ санъати ҳисобланади. Бу санъатнинг назарий асосларини чуқур эгаллаган кишигина унинг имкониятларини амалий муҳокама юритишда намойиш қила олади. Шу ўринда буюк мутафаккир Форобийнинг мантиқ илмининг аҳамияти ҳақида билдирган қуйидаги фикрларининг алоҳида эътиборга лойиқ эканлигини таъкидлаш зарур. У шундай ёзади: «Бизнинг мақсадимиз ақлни, хатога йўл қўйиш мумкин бўлган барча ҳолларда, тўғри тафаккурга етаклайдиган, унинг ёрдамида ҳар сафар хулоса чиқараётганда адашишга қарши эҳтиёт чораларини кўрсатадиган санъатни – мантиқ санъатини ўрганишдир. Унинг асосий қонун-қоидаларининг ақлга бўлган муносабати грамматика санъати қоидаларининг тилга бўлган муносабатига ўхшаш; худди грамматика кишиларнинг тилини тўғрилаш эҳтиёжи сабабли яратилгани, унга хизмат қилиши зарур бўлгани сингари, мантиқ ҳам тафаккур жараёнини яхши амалга ошириш мақсадида хатога йўл қўйиш мумкин бўлган барча ҳолларда ақлни тўғирлаб туради».**

Унинг таълим соҳасидаги вазифалари ҳам жиддийдир. Ўқув жараёнининг самарадорлиги маълум бир даражада ишлатиладиган тушунчаларнинг, терминларнинг аниқ бўлишига, муаммоларнинг мантиқан тўғри қўйилиши ва ҳал қилинишга, мавжуд гипотезалар структурасини тўғри фойдаланишга боғлиқ.

Фан учун формал мантиқ мураккаб муаммоларни ечиш воситасини беради. Бундай воситалар, одатда, илмий назариянинг структурасини ўрганишда, унда ишлатиладиган формализмнинг моҳиятини тушунтириб беришда, формал зиддиятлар бўлса, уларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

## Таянч тушунчалар.

Тафаккур – мантиқ илмини ўрганиш объекти.

Тафаккур қонуни – фикрлар ўртасидаги зарур алоқа.

Тушунча – предметларнинг умумий муҳим белгиларини акс эттирувчи мантиқий шакл.

Ҳукм – тушунчалар орасидаги белгига, муносабатга, мавжудликка оид жиҳатларнинг чин ёки ёлғонлигини тасдиқ ёхуд инкор шаклида ифода этадиган тафаккур шакли.

## Мавзуга доир саволлар.

1. Тафаккурнинг қайси мантиқий қонунларини биласиз?
2. Мантиқ деганда нимани тушунасиз?
3. Формал мантиқнинг ҳозирги пайтдаги вазифалари нималардан иборат?
4. Мантиқ илмининг миллий мафкурани яратишдаги аҳамияти нимада?

## Мустақил таълим учун адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2003.
2. Миллий истиқлол ғояси (Дарслик). –Т.: «Академия», 2005.
3. М.Шарипов, Д.Файзихўжаева. Мантиқ. –Т.: ~.~улом нашриёти, 2004.
4. Ивлев Ю.В. Логика. Учебник для вузов. –М.: Логос, 1998.
5. Хайруллаев М., Хақбердиев М. Мантиқ. –Т.: «Ўқитувчи», 1993.
6. Логика (ўқув қўлланма). –Т.: ТошДАУ, 1992.
7. Криллов В.И., Старченко А.А. Логика. –М.: «Логос», 1997.